

---

Карантин даврида фуқароларнинг пенсия ва нафақалари уларнинг уйларига етказиб берилади.

Бу ҳақда АТ “Халқ банки” маълумотига таянган ҳолда [kun.uz](#) нашри [маълум қилмоқда](#).

Жорий йил 18 мартдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чоратadbирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг COVID-19 коронавирус пандемиясининг тарқалишини олдини олиш ва ундан ҳимояланиш бўйича тавсияларидан келиб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғини биноларида аҳолини тўплаб пенсия тарқатмасдан, пенсия ва нафақа пуллари аҳоли уйларига етказиб берилди бошланди.

Таъкидланишича, кейинги апрель ойида ҳам пенсия ва нафақа пуллари барча фуқароларнинг яшаш уйларига нақд шаклда етказиб берилади.

2020-03-27 15:37:22